

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатимизнинг инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида саноат корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва зарурияти баён қилинган. Инновацион фаолиятни молиялаштириш вазифалари ва истиқболда белгиланган чоралар, мавзу доирасида узок хориж, МДХ ва мамлакатимиз олимларининг илмий изланиш натижалари ўрганилган. Ўрганишлар асосида инновацияларни техник – технологик, ташкилий, бошқарув, иқтисодий, ижтимоий, экологик инновация турларига ва молиявий хусусиятларига кўра эса турли riskли ҳолатларга бўлган ҳолда таснифланди.

Калит сўзлар: инновация, инвестиция, молия, молиялаштириш, иқтисодиётни модернизациялаш, иқтисодий ўсиш, инновацион фаолият, иқтисодий фойда, техник - технологик тараққиёт, ташкилий инновациялар, бошқарув инновациялар, экологик инновациялар.

Кириш

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар ва дастурлар ишлаб чиқилиб, самарали амалга оширилмоқда. Ушбу дастурлар асосида иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификациялаш ва техник қайта қурулантириш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз маърузаларида мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган энг устувор вазифаларининг бири сифатида “...иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш” [1] деб таъкидлаган. Дарҳақиқат, шу бугунги кун талабларига жавоб берадиган саноат маҳсулотлари ва хизматларини яратиш орқали мамлакатимизнинг иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш мумкинлиги, инновацияларни амалиётга жорий этилиши ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ҳар доим катта аҳамият касб этган. Иқтисодиётнинг ҳозирги замонавий босқичида ривожланган мамлакатлар тараққиётига инновацион фаолият муҳим ўрин эгаллайди. Биргина, инновацион ахборот-коммуникация технологиялари саноатининг ривожланиб бориши натижасида жаҳон миқёсида яратилаётган жаҳон ялпи маҳсулотнинг қарийб 5,5 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Мазкур кўрсаткич ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида сезиларли салмоқга эга эканлигини кўришимиз мумкин, масалан, Жанубий Кореяда 11,8 фоиздан зиёдни, Швецияда 7,0 фоизни, АҚШда эса 6,8 фоизни ташкил этади [2]. Шуни қайд этиш лозимки, замонавий иқтисодиётда инновацияларнинг роли янада ошмоқда, улар иқтисодий ривожланишнинг асосий омилига айланди.

Инновацион фаолият иқтисодиётда саноат корхоналарида ишлаб чиқариш муносабатлари, ҳўжалик юритиш механизми, шакллари ва меҳнатни ташкил этиш жараёнларида намоён бўлади. Шуни қайд этиш лозимки, мамлакатимизнинг инновацион ривожланиш стратегиясида “2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига кириш” [3] вазифаси белгиланган. Жамият тараққиётининг қонуниятларига кўра, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бир текисда давом этмасдан, балки қуйидан юқorigа, оддийликдан мураккаблик томон юксалиш тамойилларига асосланади.

Инновациялар жаҳон иқтисодиётидаги тузилмавий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи омили бўлди. Иқтисодиёт ривожланишининг инновациявий тури ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга харажатларнинг камайишига сабаб бўлиб қолмайди. Балки инновациялар иқтисодиётнинг тармоқлар тузилмасига, ихтисослашув ҳамда тармоқлар ва тубтармоқлар ўртасидаги кооперация алоқаларининг ривожланишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Ўзбекистон юксак технологик, замонавий ишлаб чиқаришларни яратиш ҳисобига миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишга интилмоқда. Бундай шароитда жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувдаги энг муҳим вазифалардан бири – бу иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига ўтказишдир.

Тадқиқот методологияси

Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига оид назарий билимларнинг шаклланиш босқичларини тадқиқот қилиш жараёнида тизимли таҳлил, индукция-дедукция, комплекс баҳолаш, мантиқий ва таққослама таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

Адабиётлар таҳлили

Сўнгги йилларда иқтисодий манбаларимизда «инновация», «инновацион жараён» ва «инновацион фаолият» тушунчалари кўп учрамоқда. Айниқса, иқтисодиётни модернизациялаш даврида кенг қўламда талқин этилмоқда. Шу боисдан инновация тушунчасининг моҳиятини англашда атрофлича ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

Инновация атамаси мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даври иқтисодиётида "инновация-янгилик" сўзи сифатида қўлланила бошланди, бу сўзма-сўз «янгилик, янгилик киритиш, новаторлик» [4] деган маънони англатади.

Иқтисодий манбаларда «инновация»га турлича таъриф берилган. Кўплаб хорижий иқтисодчи олимлар Н.Манчев, И.Перлаки, В.Хартман, Е.Менсфилд, Б.Твисс, И.Шумпетер, Е.Роджерс ва бошқалар ушбу тушунчани турлича талқин қилишади.

Европалик олим Й.Шумпетер "инновация" тушунчасини саноатда янги турдаги истеъмол товарлари, янги ишлаб чиқариш ва транспорт воситалари, бозорлар ва ташкил этиш шакллари жорий этиш ва улардан фойдаланишга асосланган ўзгариш сифатида изоҳлади [5]. Инновация мазмунини иқтисодий ривожланиш динамикасига таъсир қилувчи янги комбинацияларни амалга ошириш сифатида у қуйидаги типик ҳолатлар шаклида аниқлади:

1. Истеъмолчиларга ҳали маълум бўлмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки муайян маҳсулотнинг янги сифатини яратиш;

2. Ишлаб чиқаришнинг янги усулидан фойдаланиш, яъни, саноатда ҳали маълум бўлмаган, ихтиро ёки кашфиётга асосланган, шунингдек, ушбу маҳсулотни тижорат мақсадларида фойдаланишни (сотиш ва сотиб олиш технологиясини) такомиллаштиришдан иборат бўлиши мумкин бўлган янги технологик жараёнлар;

3. Хом ашёнинг янги манбасини, ярим тайёр маҳсулотларни олиш ёки ундан фойдаланиш, бу хомашё илгари мавжуд бўлган, лекин бирон-бир сабабга қўра фойдаланилмаган ёки уни қайта ишланмаган;

4. Саноат корхоналари томонидан тақдим этилмаган янги бозорларга янги товарларни киритиш.

Б.Твисс томонидан «Инновация - бу кашфиёт ёки ғоя, иқтисодий мазмунга эга жараён» [6]. Ф.Никсон томонидан «Инновация - бу техник, ишлаб чиқариш ва тижорат тадбирларининг мажмуи бўлиб, янги бозорларда янгиланган ишлаб чиқариш ва қурилмаларни юзага келиши» деб таъриф берган. Б.Сантонинг фикрича, инновация шундай ижтимоий, техник ва иқтисодий жараён бўлиб, ғоялар ёки ихтиролардан амалий фойдаланиш орқали хоссалари бўйича яхшироқ маҳсулот ва технологияларни яратишга олиб келади. Агар инновация иқтисодий фойда (фойда)га йўналтирилган бўлса, у ҳолда унинг бозорда пайдо бўлиши қўшимча даромад келтириши мумкин [7].

Й.Шумпетернинг тадбиркорлик фаолиятида инновацияларнинг ўрни ҳақидаги ғоялари кўплаб замонавий хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг ишларида ўрганилган.

П.Друкер томонидан “Инновациялар тадбиркорлар учун махсус восита бўлиб, улар ўзгаришлардан турли бизнес ёки хизматлар учун имконият сифатида фойдаланадиган воситадир” [8] деб таъкидлаган.

МДХ давлат олимлари томонидан А.И.Пригожин [9], В.М.Аньшин [10], С.Ю.Глазев [11], А.А.Дагаева [12], Р.А.Фатхутдинова [13] ва бошқаларнинг асарларида инновацияларнинг янги таснифлаш хусусиятлари берилган. А.И.Пригожий инновацияни “амалга ошириш соҳасига (ташкилот, аҳоли, жамият ва бошқалар) иқтисодий, ташкилий, бошқарув, ҳукукий ва педагогик характердаги янги нисбатан барқарор элементларни киритувчи мақсадли ўзгариш” деб таърифлайди. Р.А.Фатхутдинов инновациялар ҳам техника ва технологияга, ҳам ишлаб чиқариш ва бошқарувни ташкил этиш шаклларида тааллуқли бўлиши мумкинлигини таъкидлаб, техник-технологик, ташкилий, бошқарув, иқтисодий, ижтимоий, ҳукукий ва экологик турларга бўлган.

Бу борада “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да “инновация” атамаси инглиз тилидаги “innovation” сўзидан олинган бўлиб, “киритилган янгилик, ихтиро” [14] деган маъноларни англатиши қайд қилинган. “Большая экономическая энциклопедия”да “...бозорнинг истиқболли талабидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришга лойиҳавий, технологик, моддий, ташкилий жиҳатларга янгилик киритиш билан боғлиқ фаолият” [15] эканлиги, “Иқтисодиёт ва молия” электрон лўғатида “...фан ютуқлари ва илғор тажрибалардан фойдаланишга асосланган техника, технология, меҳнатни ташкил қилиш ёки бошқариш соҳасида киритилган янгиликлардир”, деб таъриф берилади. Киритиладиган янгиликлар деганда фан ва техника ютуқлари, илғор технология ва янги ихтиролар, ноу-хау, интеллектуал мулк, ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатлардан фойдаланиш жараёнини англатади. Шундай қилиб, янгиликларни киритиш ва тарқатиш учун қабул қилинган пайтдан бошлаб, у инновацияга айланиб, янгича сифат касб этади.

Таҳлил ва натижалар

Кўпгина олимлар инновацияни бозорга киритилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалиётда қўлланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён ёки ижтимоий хизматларга янги ёндашув шаклида ўзида мужассамланган инновацион фаолиятнинг якуний натижаси деб таърифлайдилар. Инновациянинг турли таърифларини таҳлил қилиш орқали инновациянинг ўзига хос мақсади - ўзгариш, инновациянинг асосий вазифаси эса ўзгариш сифати деган фикрга келиш мумкин. Умумий ҳолда, юқорида берилган таърифларни умумлаштириб, инновация тушунчасига муаллифлик таърифини берамиз, **инновациялар – бу** иқтисодиётнинг реал тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёнларини, яратилаётган маҳсулот(хизмат)ларнинг янги сифат жиҳатларини таъминлаш, иқтисодий ва бошқарув самарадорлигини оширишга қаратилган техник-технологик, иқтисодий, ташкилий, бошқарув, ижтимоий жараёнлар мажмуидир.

Муаллифлик берилган тарифида ифода этилган жараёнларни умумлаштириб, инновацияларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- техник - технологик тараққиёт - ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлашнинг асоси бўлган янги маҳсулотлар, уларни ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиқариш воситалари кўринишидаги техник ва технологик янгиликлар;

- ташкилий инновациялар - ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг янги шакл ва усулларини ўзлаштириш жараёнлари, шунингдек, таркибий бўлинмалар, ижтимоий гуруҳлар ёки шахсларнинг таъсир доиралари (вертикал ва горизонтал) нисбатларини ўзгартиришни назарда тутувчи инновациялар;

- бошқарув инновациялари – бошқарув функциялари, ташкилий тузилмалар, бошқарув жараёнининг технологияси ва ташкил этилиши, бошқарув аппарати иш услублари таркибини мақсадли равишда ўзгартириш ва такомиллаштириш жараёни;

- иқтисодий инновациялар корхонанинг молиявий фаолиятини, ҳисоб-китоб, режалаштириш, баҳолаш, рағбатлантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва самарадорликни баҳолаш соҳасидаги ижобий ўзгаришларга йўналтирилган тизимли ҳаракатлар сифатида белгиланиши мумкин;

- ижтимоий инновациялар - корхоналарда кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш орқали инсон омили самарадорлигини ошириш, ходимларни касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш, ишчиларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, бўш вақтларини самарали ташкил этишни ўзида мужассамлаштиради.

Инновация тушунчасига берилган таърифлар асосида шакллантирилган инновация турлари корхона томонидан бозорга киритилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот кўринишида, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён кўринишида мужассамланган инновацион фаолиятнинг якуний натижаларини ифодаловчи технологик инновациялар билан амалий фаолиятга боғлиқ.

Инновацияларни ҳам динамик, ҳам статик жиҳатдан кўриб чиқиш мумкин. Иккинчи ҳолда, инновация тадқиқот ва ишлаб чиқариш циклининг якуний натижаси сифатида намоён бўлади, яъни инновация ҳодиса сифатида қаралади. Жараён сифатида қараладиган инновация - инновацияларни яратиш, ривожлантириш ва тарқатишнинг микдорий ва сифат томонларини тавсифлайди. Илмий-техник ишланмалар инновацион циклининг оралик натижаси бўлиб, амалий қўлланиш соҳасига ўтган сари инновацияларга айланади. Шу муносабат билан, ҳодиса сифатида инновациянинг ажралмас хусусиятлари илмий-техникавий янгилик ва саноатда қўлланилишидир. Инновациянинг тижорат мақсадга мувофиқлиги потенциал хусусият сифатида намоён бўлади, уни амалга ошириш муайян ҳаракатларни талаб қилади. Бундан келиб чиқадики, инновация - ҳодисани инновацион жараёндан ажралмас ҳолда кўриб чиқишдир.

Шуни таъкидлаш керакки, амалиётда инновация - "янгилик кириши", "янгилик", "янгилик олиб кириш" тушунчалари кўпинча аниқланади, гарчи улар ўртасида маълум фарқлар мавжуд. "Янгилик кириши" - бу янги тартиб, янги усул, ихтиро. "Янгилик олиб кириш" янгиликдан фойдаланишни англатади. Янгилик тарқатиш учун қабул қилинган пайтдан бошлаб янги сифат касб этади ва инновацияга айланади.

Инновацион фаолият молиявий инвестицияларни талаб қилади, чунки қўшимча фойда олиш ёки унинг мавжуд даражасини сақлаб қолиш учун инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга инвестиция қилиш лозим бўлади. Шу билан бирга, умумэтироф этилган фикрга кўра, эмпирик боғлиқлик мавжуд: корхона келажакда қанчалик кўп муваффақият кутса, ҳозирги пайтда у шунчалик кўп молиялаштиришга тайёр бўлиши керак.

"Молиялаш" атамаси инновацион фаолиятни зарур маблағлар билан таъминлаш деб тушунилади. Молиялаштириш, пул маблағларини мақсадли тақсимлаш сифатида қаралади.

Молияни инновацияга айлантира оладиган ижтимоий шарт - бу молиявий мажбурият: молиявий даромад келтирмагунча инновацион жараённи давом эттириш учун маблағ ажратилишини таъминлайдиган муносабатлар мажмуи этиб белгиланади.

Одатда "сабрили" капитал деб аталадиган нарса, инновацион жараённинг ўзига хос ноаниқлигига қарамадан, коллектив ўрганишдан келиб чиқадиган қобилиятларни вақт ўтиши билан тўплашга имкон беради. "Инновацион корхонанинг ижтимоий шартлари" нуқтаи назаридан, стратегик назорат қандай шароитда корхонанинг рақобатбардош муваффақиятининг пойдевори бўлган коллектив жараёнлар ва кумулятив йўллар ёрдамида ўсишга интилишини кафолатлайди. Ҳар қандай вақтда фирманинг функционал ва иерархик меҳнат тақсимои унинг малакасини аниқлайди [16]. Стратегик назоратни амалга оширадиганлар, коллектив ва йиғма таълимни яратиш мақсадида, малака базасини қандай тузишни танлаши мумкин, шу жумладан, ходимларнинг қандай турлари ташкилий ўқув жараёнига киритилган ва ходимлар қандай ҳаракат қилишини ўз фаолияти давомида корхонанинг функционал ва иерархик меҳнат тақсимои атрофида белгиланади. Бироқ, шу билан бирга, малака базасини ташкил қилиш, фирма рақобатлашмоқчи бўлган ишлаб чиқариш фаолиятининг ўзига хос талаблари билан ҳам, фирма ишга олмоқчи бўлган ходимларнинг муқобил ишга жойлашиш имкониятлари билан ҳам чекланади.

Инновацион корхона стратегик назоратни амалга ошираётганлар ўз фирмаларининг рақобатбардош кучли ва заиф томонларини, шунинг учун технологик имкониятлар ва


рақобатбардош муаммоларга инновацион жавоб бериш учун зарур бўлган ўзгаришларни тан олишни талаб қилади.

Саноат ишлаб чиқаришда инновацияларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишда, ҳамда ушбу жараёнларни ўрганишда инновацияларни биринчи навбатда асосий ва ёрдамчига бўлиш мумкин. Асосий инновациялар иқтисодий натижаларнинг энг юқори ноаниқлигига, молиялаштиришнинг юқори капитал сарфлилигига ва катта молиявий хавфга эга. Шу билан бирга, асосий инновациялар юқори рентабеллик ва ижобий операцион ва молиявий таъсир билан тавсифланади.

Асосий инновациялар қуйидаги молиявий хусусиятлар билан тавсифланади:

1. Юқори молиявий рисклар. Технологик янгиликларни амалга ошириш муқаррар равишда молиявий риск билан боғлиқ. Шу билан бирга, асосий инновациялар энг катта молиявий хавфга эга. Шахсий муҳандислик ечимларининг етарли даражада мукамал ишлаб чиқилмаганлиги сабабли хавф техник бўлиши мумкин. Янги маҳсулот ёки технологиядан фойдаланишнинг атроф-муҳитга олдиндан айтиб бўлмайдиган таъсиридан келиб чиқадиган экологик хавф бўлиши мумкин. Инновацияларни амалга оширишда, агар янги маҳсулот ишлаб чиқариш бошлангунга қадар уни сотиш учун кафолатланган бозор жойи бўлмаса ёки бошқа ишлаб чиқарувчилар томонидан рақобат хавфи мавжуд бўлса, тижорат хавфига дуч келиш мумкин. Бу технологик янгилик билан бирга келадиган бошқа кўплаб хавфларни келтириб чиқариши мумкин.

Кутилаётган молиявий риск қанчалик юқори бўлса, тадбиркор учун банклар, саноат корхоналари ёки индивидуал хусусий инвестиция фондларидан режалаштирилган инновацион лойиҳани амалга ошириш учун молиялаштириш маблағларни олиш шунчалик қийин ва кредит бериш шартлари ҳам мураккаб бўлади.



1-расм. Саноат ишлаб чиқаришда инновацияларни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган рисклар¹

2. Узоқ муддатли ўзи молиявий оқлаши. Амалга оширишнинг дастлабки йилларида инновацион ишлаб чиқариш фойда келтирмаслиги мумкин, чунки уни амалга ошириш учун катта молиявий қўйилмалар амалга оширилган бўлади. Инновацион ишлаб чиқариш ўртача беш йилдан сўнг, муваффақиятли амалга оширилган тақдирда, катта фойда келтира

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

бошлайди. Инновациянинг айнан шу хусусияти кўплаб потенциал инвесторларни инновацион ишлаб чиқаришни молиялаштиришдан “қўрқитади”;

3. Юқори рентабеллик. Инновациялар уларни муваффақиятли амалга ошириш билан юқори даромад келтиради. Инновацияларни ишлаб чиқаришда қўллаш учун молиялаштириш, инновацияни муваффақиятли амалга ошириш шарти билан, ортиқча катта фойда олиш имконияти мавжуд;

4. Саноат соҳасида ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини тежашнинг мақбуллиги;

5. Юқори операцион дастак. Саноат ишлаб чиқаришда асосий инновацияларни амалга ошириш молиявий дастаклар таъсирида юқори таъсирчанликка эга. Тадбиркорлик ва молиявий рисклар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлганидек, операцион ва молиявий дастаклар ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Операцион дастак ўз кучини инвестициялар фаолиятининг соф натижасига, молиявий дастак эса корхонанинг соф фойдаси миқдорига, ўз маблағларининг соф рентабеллик даражасига таъсир қилади. Операцион дастакнинг таъсири қанчалик катта бўлса, инвестициялар операциясининг соф натижаси инновацион маҳсулотларни сотиш ва савдо тушумларининг ўзгаришига шунчалик сезгир бўлади;

6. Инновацион фаолиятдаги рискларни бошқариш учун инновацион портфелни кенг диверсификация қилиш асосий ва такомиллаштирувчи инновациялар таваккалчилик ва рентабеллик билан амалга оширилади.

Шундай қилиб, инновацияларнинг молиявий-иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, инновацияни турли хил активларни (моддий, номоддий, молиявий) узоқ муддатли тўловни ҳисобга олган ҳолда юқори фойда олиш учун мақсадида инновацион фаолиятни амалга ошириш учун инвестиция қилиш жараёни сифатида талқин қилиш мумкин.

Анъанавий равишда инновацион фаолиятни молиялаштириш шакллари ресурслар манбаларига қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- давлат томонидан молиялаштириш;
- корхоналарнинг ўз маблағлари;
- жалб қилинган маблағлар.

Давлат молиялаштириш манбаи – корхона томонидан бевосита ёки буюртмачи билан тузилган шартномалар бўйича олинган жамланма бюджет (давлат ва маҳаллий бюджетлар) маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари.

Корхоналарнинг ўз маблағлари - устав капитали, заҳира ва амортизация фондлари ва тақсимланмаган фойданинг бир қисмидан иборат. Ушбу маблағлар инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Инновацион фаолиятларни молиялаштиришнинг энг муҳим ички манбаси тадбиркорлик фаолиятдан олинган фойда ҳисобланади. Солиқлар тўланганидан кейин қолган фойда корхонанинг ўз ривожланиши учун тўлиқ ишлатилиши мумкин. Юқори даромадли корхоналар учун бу ўз-ўзини молиялаштириш шаклидаги кучли инвестиция манбаи бўлиб, қарз мажбуриятларини яратишга олиб келмайди. Шу билан бирга, шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, корхоналарнинг соф фойдасидан заҳира, моддий, ижтимоий фондлар ташкил этилиши мумкин. Натижада, соф фойдадан инновацион фаолиятни молиялаштириш учун тўлиқ инвестиция манбаи сифатида фойдаланган ҳолда, корхона ундан фойдаланишнинг бошқа соҳаларидан, масалан, акциядорларга дивидендлар тўлашдан воз кечишга мажбур бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, корхона фойдасининг мавжудлиги инновацион фаолиятда ўз-ўзини молиялаштириш учун зарур, аммо бу асосий манба эмас. Фойда миқдори молиялаштириш учун етарли даражасига эга бўлиш керак. Шундай қилиб, корхона томонидан қўшилган ялпи қийматининг камида 10 фоизини фойдадан ҳосил бўлган инвестицияларга айлантириши учун унинг соф фойдаси қийматининг камида 20 фоизини ташкил қилиши керак. Ушбу даражани инвестицияларни ўз-ўзини молиялаштириш учун зарур бўлган минимал маблағ деб ҳисоблаш мумкин.

Корхоналарда инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг энг барқарор манбаи амортизация ажратмалари бўлиб, улар белгиланган амортизация нормаларига мувофиқ ишлаб чиқаришда ишлатиладиган барча турдаги асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича ҳисоблаб чиқилади ва тайёр маҳсулот таннархига киритилади. Ушбу ажратмалар корхоналар томонидан асосий капитални такрор ҳосил қилиш учун ишлатилиши керак.

Шунингдек, инновацияларни молиялаштиришнинг ички манбаларига улуш, таъсисчи ва бошқа бадаллар, пул ва мулк қўйилмалар, корхона муассислари ва ходимларининг, масалан, инвестиция ресурслари сифатида фойдаланиладиган товарлар кўринишидаги бадалларини киритиш мумкин. Ушбу инвестициялар қопланадиган хусусиятга эга ва дивидендлар тўлаш билан бирга бўлиши мумкин, аммо бу уларнинг инвестицион моҳиятини ўзгартирмайди.

Тўпланган молиялаштириш маблағлар банк ва тижорат кредитлари, облигация мажбуриятлари, лизинг, факторинг ва бошқа корхоналар маблағларидан фойдаланишга асосланган молиялаштириш тизимининг турли шакллари акс эттиради.

Инновацияларни пул шаклида молиялаштириш учун инвестиция капитални олишнинг асосий ташқи манбаларидан бири бу банк кредитлари ҳисобланади. Банк томонидан бериладиган инвестиция кредити одатда корхоналарга белгиланган муддатга, маълум фоизда ва маълум гаров, қайтариш кафолатлари остида берилади. Бироқ, замонавий шароитда тижорат банклари ва молиявий компаниялар узоқ муддатли кредитларни беришни истамайдилар, сабаби уларнинг қайтарилмаслигидан қўрқишади. Бундан ташқари, банк кредитлари жуда юқори фоиз ставкаси билан берилади, бунинг натижасида қарз олувчилар амалга ошириш муддати ва кейинчалик инновацион лойиҳаларни қоплаш ҳисобига катта йўқотишларга дуч келишади. Банк кредитлари одатда қисқа муддатли бўлиб, юқори фоиз ставкаларига асосланган ҳолда берилади, инновацион лойиҳалар эса қиммат ва узоқ муддатли бўлади.

Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг хорижий манбаларини алоҳида ажратиш мумкин: хорижий юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек халқаро ташкилотлардан олинган маблағлар (грантлар). Бироқ, ташқи инвесторлар учун капитал қўйилмаларнинг энг жозибали йўналишлари хом ашё соҳасидир, чунки, қоида тариқасида, ушбу тармоқлар сезиларли дастлабки инвестицияларни талаб қилмайди ва экспорт қилинадиган хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларнинг сифати турли хил инновацияларни қўлламасдан ҳам таъминланиши мумкин.

Хулоса ва тавсиялар

Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришни бевосита ва билвосита усулларга ажратиш мумкин. Бевосита молиялаштиришнинг энг кенг тарқалган манбалари: компаниянинг ўз маблағлари (фойда (соф фойда), амортизация фонди), банк кредити, қимматли қоғозлар чиқарилишидан олинган маблағлар, мавжуд активларни сотиш ёки ижарага беришдан олинган маблағлар, қисқа муддатли инвестиция лойиҳаларидан олинган даромадлар (узоқ муддатли молиялаштириш учун), мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағлар ҳисобланади.

Молиялаштиришнинг билвосита усулларида инновацион лойиҳаларни зарур моддий-техникавий, меҳнат ва ахборот ресурслари билан таъминлашдан иборат бўлган усуллар киради. Бунга мисол, лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни бўлиб-бўлиб сотиб олиш ёки лизингга олиш, лицензияни сотиб олиш (лойиҳада қўлланиладиган технология учун) тўлаш шакли эса яқуний маҳсулотни сотиш фоизидан, меҳнат ресурсларини жалб қилиш ва билим ва ноу-хау шаклида лойиҳага бадалларни жалб қилишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабр, № 271 (7199).

2. Тухтабаев Ж.Ш. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми. Монография. - Т., 2020. - 170 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиqlаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон).
4. Статистика науки и инноваций. Краткий терминологический словарь / Под редакцией Л.М. Гохберга. – М., 1996. – с. 31.
5. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982. - с. 169.
6. Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями. Пер. с англ. – М.: Экономика, 1989. – с. 271.
7. Санто Б. Инновация как средство экономического развития. Пер. с венг. - М.: Прогресс, 1990. - с. 296.
8. Drucker P.F. Innovation and entrepreneurship: Practice and principles. - L.: Pan Books, 1986. - p. 55.
9. Пригожий А.И. Нововведение: стимулы и препятствия (социальные проблемы инноватики). – М.: Политиздат, 1989.
10. Аньшин В.М. Инновационная стратегия фирмы. Учебное пособие. – М.: РЭА им. Плеханова, 1995.
11. Глазьев С.Ю. Теория долгосрочного технико-экономического развития. - М., 1993.
12. Дагаева А.А. Фактор НТП в современной рыночной экономике. Учебное пособие. - М.: Наука, 1994.
13. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. – М., 1998.
14. Ж.П. Е-М. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси ДИН, 2006. - 213 б.
15. Большая экономическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2007. – с. 257.
16. Lazonick, William. “Innovative Business Models and Varieties of Capitalism: Financialization of the US Corporation”. Business History Review, 84, 2010.